KLINIK LABORATOR DIAGNOSTIKADA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH, MUAMMOLAR VA YECHIMLAR

xalqaro ilmiy-amaliy anjuman

18 aprel 2023 yil

O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi

www.ssv.uz

Toshkent tibbiyot akademiyasi www.tma.uz

Created with Icecream PDF Editor.
Icecream PDF Editor PRO

Нишонов А.А., Нуриддинова Н.Ф. Лаборатория тадқиқотларининг замонавий имкониятлари …….	**114**
Нишонов А.А., Нуриддинова Н.Ф. Covid-19 да намуналар олиш ва диагностик таҳлиллар ўтказиш ……..	**115**
Нуриддинова Н.Ф. Сурункали жигар касалликларида тромбоцитлардаги ўзгаришлар ……	**117**
Нуриддинова Н.Ф., Нариманова Г.А. Клиник лабораториялар учун автоматлаштирилган тизимларнинг аҳамияти ……..	**119**
Олимова М.М., Бахтиярова А.М. Клиник лаборатор диагностикада янги технологиялар ……...	**121**
Омонов А.А., Мухамедова Н.Х., Мустафақулов Ж.Р., Бауетдинова Г.Д. Каламушларда қандли диабетнинг аллоксан моделини ўрганиш	**122**
Омонова З.Б., Мусаев С.М., Мусаева Ю.А. Клинико-прогностическая оценка содержания некоторых параметров цитокинового статуса в остром периоде ишемических инсультов ……...	**125**
Полванхонов С.Н., Имамов Э.З., Абсалямова И.И. Возможности гематологического анализатора	**126**
Рахимбаева Г.С., Маллаев Ф.С. Роль атерокальциноза в развитии атеротромботического подтипа ишемического инсульта. Менеджмент лечебной тактики. ……...	**127**
Рахматов А.М., Жаббаров О.О., Мирзаева Г.П., Жуманазаров С.Б. Оценка поражения желудочно-кишечного тракта у больных хбп iii-iv стадии и их пути коррекции ……	**129**
Умурзакова Р.З., Рустамова З.З., Корабоева Ф.А. Раннее выявление железодефицитной анемии у женщин детородного возраста ……...	**131**
Сайфутдинова З.А., Муҳаммадиев Ҳ.Ғ., Хашимова Г.Й, Юсупов Б.Н. Экспериментал токсик гепатитда эндоген интоксикация омиллари	**134**
Саматова Л.Д., Саидов А.Б., Бобожонова Ш.Д., Кучкарова Х.Р. Частота встречаемости торч-инфекции среди донорской популяции в Республиканском Центре Переливания Крови ……...	**136**
Собирова Д.С., Рахимбаева Г.С., Ким И.Г. Современные технологии диагностики структурной эпилепсии при церебро-васкулярной патологии ……	**138**
Собирова М.Р., Мухамедова Н.Х. Диагностические маркеров почечного повреждения проксимальных канальцев у женщин с мс в постменопаузальном периоде. ……..	**140**

Icecream PDF Editor.

КЛИНИК ЛАБОРАТОР ДИАГНОСТИКАДА ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Олимова М.М., Бахтиярова А.М.
Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали

Лаборатория диагностикаси аҳоли саломатлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Лабораторияда даволаш ишлари олиб борилмайди, аммо у шифокор ва беморга даволаниш бўйича тўғри қарор қабул қилишга, унинг самарадорлигини баҳолашга ва кўп ҳолларда касаллик ривожланишининг дастлабки босқичларида патологияни аниқлаш орқали касалликнинг бошланишини олдини олишга ёрдам берадиган диагностик маълумотларни тақдим этиши мумкин. Лаборатор диагностика ҳужайра ва молекуляр даражада бемор танасининг ҳолати ҳақида маълумот беради. Бу шифокорга касалликнинг этиологияси ва патогенезини чуқурроқ тушуниш имконини яратади. Лаборатория фаолиятининг самарадорлиги олинган маълумотлар мазмуни, унда олинган натижаларнинг ишончлилиги ва ўз вақтидалиги билан баҳоланади. Самарадорликни таъминлашга янги, кўпроқ маълумот берувчи тестларни жорий этиш, ходимларни билим савиясини ошириш, техник таҳлил жараёнини автоматлаштириш орқали эришилади.

Клиник лаборатор диагностика касалликларнинг клиник кечишини фарқлаш ва метаболик жараёнларнинг бузилишларини бартараф этиш учун турли хил биологик материаллар бўйича тез ва самарали тадқиқотлар ўтказиш имконини берадиган замонавий диагностика ускуналари билан жиҳозланган бўлиши керак. Лабораторияда юзлаб таҳлиллари бажариш мумкинлиги ҳисобга олган ҳолда, автоматлаштирилган усулларини жорий этиш натижасида самарадорлик бир неча мартага ошди.

Ҳозирги кунда клиник диагностик лабораторияда ҳар ойда 35 мингдан ортиқ текширувлар ўтказилиб, уларнинг 89,9 % автоматик анализаторларда ўтказилади. Тадқиқотлар ассортименти деярли барча диагностик соҳаларида 350 дан ортиқ турдаги тадқиқотлар билан ифодаланади.

Лабораторияда аҳолини оммавий скринингни амалга ошириш учун юқори самарадорликка, паст инвазивликка эга, арзон бўлган лаборатория тадқиқот усуллари қўлланилади. Лабораторияда мавжуд бўлган асбоб-ускуналар фавқулодда вазиятларни тезкор диагностика қилиш имконини беради. Лаборатория экспресс диагностикаси ўзига хос хусусиятга эга. Лаборатория экспресс усулларининг техник хусусияти шундаки, кўп вақт талаб қилмайдиган ва минимал материал ҳажмини талаб қиладиган усуллардан фойдаланиш керак.

Турли хил патологик ҳолатлар билан бирга келадиган асоратларнинг учраши доимий равишда ўсиб бормоқда. Шунинг учун интенсив терапия фаолиятини қўлланадиган лаборатория мажмуаси, яъни кислота-ишқор баланси ва қондаги газлар анализатори, электролитлар таркиби анализатори, коагулометр, агрегометр, тромбоэластограф, биокимёвий анализаторлар ҳар бир шифохонада бўлиши керак.

Created in Icecream PDF Editor. PRO version is required to remove this message.

Хулоса. Шундай қилиб, замонавий тиббиётни лаборатория ва инструментал диагностикасиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Адабиётлар.

1. Babadjanova Sh.A., Курбонова З.Ч. Qon kasalliklari: o'quv qo'llanma. 2023, 156 b.
2. Kurbonova Z.Ch., Babadjanova Sh.A. Laboratoriya ishi: elektron o‘quv qo‘llanma. Toshkent, 2022. 176 b.
3. Kurbonova Z.Ch., Babadjanova S.A. Sitologik tashxisga kirish: o‘quv qo‘llanma. Toshkent, “Hilol nashr”, 2021. 152 b.
4. Курбонова З.Ч., Бабаджанова Ш.А. Цитологик ташхисга кириш: ўқув қўлланма. Тошкент, 2022. 137 б.
5. Курбонова З.Ч., Бабаджанова Ш.А. Цитологик ташхисга кириш: электрон ўқув қўлланма. 2022, 146 б.
6. Kurbonova Z.Ch., Babadjanova Sh.A. Sitologik tashxis asoslari: o‘quv – uslubiy qo‘llanma. Toshkent, 2022. 47 b.
7. Kurbonova Z.Ch., Babadjanova Sh.A. Sitologik diagnostika asoslari: o‘quv – uslubiy qo‘llanma. Toshkent, 2022. 47 b.
8. Kurbonova Z.Ch., Sayfutdinova Z.A. Peshobning klinik laborator tahlili: o‘quv – uslubiy qo‘llanma. Toshkent, 2022. 49 b.
9. Kurbonova Z.Ch., Babadjanova Sh.A. Laboratoriya ishi: o‘quv qo‘llanma. Toshkent, 2022. 140 b.
10. Курбонова З.Ч., Бабаджанова Ш.А. Лаборатория иши: ўқув қўлланма. 2023, 150 б.

КАЛАМУШЛАРДА ҚАНДЛИ ДИАБЕТНИНГ АЛЛОКСАН МОДЕЛИНИ ЎРГАНИШ

Омонов А.А., Мухамедова Н.Х., Мустафақулов Ж.Р., Бауетдинова Г.Д.

Тошкент Тиббиёт Академияси

Тадқиқот мақсади: аллоксан қўзғатадиган қандли диабетнинг биокимёвий хусусиятларини аниқлаш.

Тадқиқот материаллари ва усуллари. Тажрибада 250-300 г оғирликдаги 78 та оқ жинсий етук эркак каламушларда 1 кг тана вазнига 150 ва 250 микрон дозада аллоксан тетрагидратнинг қорин бўшлиғига эритмасини киритиш орқали қандли диабет экспериментал модели олинган. Материаллар икки гуруҳга бўлинган: 1-гуруҳ 28 каламушдан иборат бўлиб, уларга 150 мг / кг дозада аллоксан АОК қилинган; 2-гуруҳ 250 мг/кг дозада аллоксан юборилган 28 та каламушдан иборат бўлган. Назорат сифатида 22 та каламуш ишлатилган, улар дистилланган сув билан АОК қилинган. Тажриба лаборатор таҳлилари иммунофермент афтоматлаштирилган анализаторда, «Human» (Германия) диагностик реагентларини қўллаган ҳолда амалга оширирлган.

Натижалар. Экспериментда 1-гуруҳда биринчи 6 кун ичида 3 та каламуш нобуд бўлди, бу 10,7% ни ташкил этди; 7-куни 2 та каламуш нобуд

Created with Icecream PDF Editor. PRO